



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (12.132)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 676 йиллигига



СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан маънавий қадриятларимизни тиклаш, тарихни холис ва чуқур ўрганиш борасида амалга оширилаётган эзу ишлар самарасида Соҳибқирон бобомизнинг шарафли номи тикланди. Амир Темурнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси бугун дунё миқёсида кенг ва катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Амир Темур таваллудининг 676 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган илмий анжуманлар, маърифий тадбирлар, давра суҳбатларида бу яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

9 апрель куни Тошкент шаҳридаги улғу бобокалонимиз номи билан аталувчи файзли хибонда Соҳибқирон таваллудига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, Турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғибчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Халқро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, теурийшунос Санжар Фуломов, «Туркистон» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Салим Ашур ва бошқалар Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, ёшларни буюқ аждодларимизга муносиб инсонлар этиб вояга етказиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этишини таъкидлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идор этиш – тарихни идор этиш, ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаррига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюқ келажакимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода донишмандлик, мардлик ва жасурлик рамзи бўлган азми қатъий беназир зот Амир

Темур Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг фахри, куч-қудрати манбаи, чинакам қаҳрамони эканини таъкидлади.

Бобокалонимизнинг буюқ бунёдкорлик салоҳияти, кучли ва обод мамлакат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик, барқарорлик, саховат, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид гоя ва қарашлари мустақил Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.

Мустаҳкам оила йили деб номланган жорий йилда жамиятимизда ижтимоий адолат тамойилларини янада кучайтириш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, барқарорлик ва шохсони вояга етказиш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт таризимиз, маънавиятимизга зид бўлган бегона ва зарарли гоялар таъсиридан асраб-авайлашга доир ибратли ишлар улғу бобокалонимизнинг ўғит ва насихатларига ҳамоҳангдир. Шу боис Амир Темур ва теурийлар тарихи, дунё цивилизацияси ривожидagi аҳамияти жаҳон миқёсида тобора кўпроқ қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда.

Тадбирда Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Шу куни Теурийлар тарихи давлат музейида Халқро Амир Темур жамғармаси билан ҳамкорликда Амир Темур даврида оиланин жамиятда тутган ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. «Тарихий обидаларимиз: кеча ва бугун» мавзусидаги кўргазма очилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

Икки томонлама ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Буюқ Британия ҳукумати аъзоси, Консерваторлар партияси ҳамраиси баронесса Саида Варси 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситқонова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюқ Британия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат ўртасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида ўзаро таъриб ва ахборот алмашувини такомиллаштириш, бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг касб, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саноатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оши-

рилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада давлатимиз раҳ-

уларнинг меҳнат шароитини янада яхши-

БУЮҚ БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

барининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуруламал бўлаётди.

Буюқ британиялик меҳмон мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш,

ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб бори-

лаётган хайрли ишларга юксак баҳо берди. Саида Варси Тошкент Халқро Вестминстер университетида профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистонга ташрифим доирасида қадимий ва навқирон Самарқанд ва Бухо-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Йиғилишда Комиссия томонидан телерадиодас-турларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқ-ларида хизматлар кўрсатиш билан шугулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш, шунингдек, фаолият турларига лицензия мавжуд субъектларнинг лицензия муддатларини узайтириш ва лицензия битимларини расмийлаштириш ҳамда лицензия битимига тегишли қўшимчалар ва ўзгарти-ришлар киритишга оид аризалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарор-лар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Янги китоб

ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ МАМЛАКАТИМ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган «Менинг мамлакатим» деб номланган янги китобда ўлкаимизнинг қадимий ва бой тарихи, кўп асрлик маънавий анъаналари, 20 йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистоннинг барча жабҳаларда эришган ютуқлари, улкан иқтисодий, илмий, маданий салоҳияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобнинг муаллиф-тузувчилари – иқтисод фан-лари доктори, профессор Н.Тўхлиев, А.Кременцо-ва, илмий муҳаррир – Ўзбекистон Фанлар акаде-мияси академиги Э.Ртвеладзе. Кенг ўқувчилар ом-масига, биринчи навбатда, ёшлар учун мўлжаллан-ган ушбу китоб олти бўлимдан иборат бўлиб, унда мам-лакатимизни тарихий ва замонавий ривожлантири-шининг турли босқичлари хусусида сўз юритилган.

Она заманимиз азалдан жаҳон цивилизация мар-казларидан бири бўлган. Айнан шу ерда, Буюқ Ипак йўли чорраҳасида Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа қўллаб ривожланган шаҳарларни ўз ичига олган ноб-б тарихий-маданий макон вужудга келган. Бу ерда Хо-разм Мамун академияси каби бутун дунёга машҳур илмий мактаблар фаолият кўрсатган. Беруний, Ибн Сино, Форобий, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Али-шер Навоий сингари буюқ аждодларимиз жаҳон илм-фан ва маданияти хазинасига бебаҳо хисса қўшган.

1991 йил 1 сентябрда эълон қилинган мустақил-лик мамлакатимизни ривожлантириш учун катта им-кониятлар очиб берди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўз олдига бунёдкорлик мақсадлари-ни қўйган Ўзбекистон халқи бозор иқтисодиёти ри-вожланган ва кучли фуқаролик жамиятига эга демок-ратик ҳўқуқий давлат қуришга киришди. Бу эзу мақ-садларга эришишда юртимизнинг бой табиий ресур-слари, халқимизнинг улкан салоҳияти муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чи-қилган ва бутун дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган мустақил ривожланиш йўлида барча жаб-ҳаларда кенг кўламли ислохотлар изчил ҳамда бос-қичма-босқич амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ро шаҳарларини зиёрат қилиш бахтига му-яссар бўлганимдан ҳам мамнунман, – деди ЎЗА муҳбирига Саида Варси хоним. – Са-фаримиз Соҳибқирон Амир Темур тавал-лудининг 676 йиллиги кенг нишонлана-ётган кунларга тўри келгани ҳам бизни кўп қувонтиради. Буюқ аждодимизнинг Мовароуннаҳр халқлари маданияти ва илм-фан тараққиётида тутган ўрни беқиёсдир. Амир Темур ва теурийлар даврида қурил-ган ва бугунги кунгача сақланиб қолган тарихий обидалар ўша давр меъморчили-ги ва бунёдкорлик ишларининг энг гўзал намуналаридир. Ўзбек халқининг меҳмон-дўстлиги ва очикўнгиллиги мени жуда лол қолдирди. Ўзбекистонда барча соҳаларда юксак тараққиётга эришилаётгани, жумла-дан, парламентаризм ва қонун иждоқор-лиги йўналишларида ҳам катта муваффа-қиятлар қўлга киритилаётгани таҳсинга лойиқдир. Мақсадимиз Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш-дир.

Ноҳира МАНЗУРОВА

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукус тумани марказидаги 15-бо-лалар мусиқа ва санъат мактаби 910 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишларидан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этди. – Ўқувчиларимиз бундай замонавий қулайликлардан жуда хур-санд, – дейди мазкур мактаб дирек-тори Замира Ибадуллаева. – Илгари мослаштирилган бинода фаолият кўрсатар эдик. Эндиликда нафақат ёруғ, шинам синфхоналарга, балки 237 миллион сўмлик мусиқа асбоб-ускуна-ларига ҳам эга бўлдик. Бу эса санъат-севар фарзандларимизнинг етук ин-сонлар бўлиб камол топишига хизмат қилади.

● Навоий кон-металлургия комбина-тига қарашли «Дўстлик» агрофирмасига Украинанин «Техно» компаниясидан 300 минг АҚШ долларлик илғор тех-нологиялар келтирилди. Натижада Кар-мана туманида жойлашган ушбу маж-муада паррандаларни компьютерлаш-ган тизим орқали парваришлаш йўлга қўйилди. Ҳозир агрофирма қошидаги 3 миллиард сўмдан ортик маблаг эва-зига барпо этилган фабрикада 30 минг-та зотли товуқ боқилмоқда.

● «Ховосдонмахсулотлари» ҳисса-дорлик жамиятининг Гулистон шаҳри-даги «Иссиқ нон» цехи замонавий тех-нология асосида иш юритмоқда. Йи-гирмага яқин йигит-қиз меҳнат қила-ётган мазкур цехда кунига икки минг дон нон ва бир неча турдаги нон маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Тай-ёр маҳсулотлар Гулистон шаҳри ва ви-лоятнинг Оқолтин тумани аҳолисига ет-казиб берилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Испаниялик олимлар икки ёшгача бўлган болаларнинг телевизор қарши-сида ўтиришини қатъиян тақиқлашни, ундан катта ёшдагиларга эса ҳафта-сига ўртача 2-3 соатдан кўп телеви-зор кўрмасликни тавсия қилмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, телевиде-ние беш ёшгача бўлган болаларнинг соғлиги ва маънавий-руҳий ривожла-нишига салбий таъсир кўрсатади. Ўтказилган кузатув натижасида бу ёшдаги болаларнинг ойнаи жаҳон орқа-ли намойиш этилаётган кўрсатувлар-ни, жумладан, мультфильмларни томо-ша қилиши оқибатида уларда уйқусиз-лик, ҳатто стрессга тушиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Мутахассисларнинг айтишича, бугунги кун мультфильмла-рида зўравонлик, отишмалар, асаб тизимига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа кўллаб лавҳаларни учратиш мумкин.

● Германияда энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ва атроф-му-ҳитни муҳофаза қилишга оид қабул қилинган янги қонунга кўра, 2020 йил-гача мамлакатда табиатни заҳарловчи карбонат ангидрид газининг ҳавога чи-қишини 36 фоизга камайитириш режа-лаштирилган. РАТА-ТАССнинг хабар бе-ришича, мамлакатда саноат, кундалик ҳаёт ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда энергия манбаларидан унум-ли фойдаланиш имконини берадиган янги замонавий технологиялар ишга ту-ширилаётди.

● АҚШнинг Мэриленд штатидаги Жон Хопкинс университети олимлари бактерияларнинг энтеробактер тури чивинлардаги безгак инфекциясини нобуд қилишини аниқладилар. Бу айни вақтда жаҳонда долзарб муаммага ай-ланган чивин орқали инсонга ўтувчи безгак касаллиги тарқалишининг олди-ни олиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақ-лаш ташкилоти маълумотига қараган-да, дунёда ҳар йили 225 миллион киши безгак билан касалланади. Улардан саккиз юз минг нафари ҳаётдан кўз юмади.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Молия институтида «Иқтисодиёт ис-лохотлари» мавзусида тадбир

ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Соғлом авлод учун» жамғармасида рассом Гулнора Громованин «Вақт имкониятла-ри» деб номланган кўргазмаси очилди.

✓ **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган ижодий кеча «Шеър ва шуур» деб номланди. Унда эл севган ёзувчи ва шоир-лар иштирок этди.

✓ **БУГУН** Республика ихти-сослаштирилган санъат мак-таб-интернати ўқувчиларининг Теурийлар тарихи Давлат музейига экскурсияси уюшти-рилди.

Тошкентдаги эски ҳайвонот боғи ҳудудида юртимизда ягона бўлган Экологик боғнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда маданият ва санъат арбоблари, жамоат ташкилотлари, ижодкор ва фаол ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

ОБОД ЮРТГА КЎРКАМ БОҒЛАР ЯРАШАР



Аскар Ғебуров (ЎЗА) олган суратлар

Экобоғда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг «Кўчат ўтказ» акцияси доирасида «Бинафша» хиёбони ҳам барпо этилди. Бинафша кўчатлари таникли хонандалар, актёрлар, шифокорлар, спортчилар, ёшлар, болажонлар ва уларнинг ота-оналари томонидан ўтказилди. Расомчилик маҳорат дарслари, деворга азрозоль бўёқ ёрдамида расм чизиш, тошкентлик скейт-борд усталари, роллерлар, велосипедчиларнинг чиқишларини йиғилганлар катта кизиқиш билан томоша қилишди.

«Катта шахарнинг янги нафаси ёки оила даврасида мириқиб дам оламиз!» шиори остида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Мицубиси Корпорейшн» корпорацияси ҳамкорлигида бунёд этилган экобоғда болалар бир вақтнинг ўзида ҳам дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари, она табиат ва атроф-муҳитга дўстона муносабатда бўлишга оид билимларини бойитишлари мумкин. Экологик тоза махсулотлардан фойдаланган ҳолда барпо этилган боғ ёшларни соғлом турмуш-тарзига ошно этиш баробарида, юртимиздаги экологик барқарорлик, иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик каби турли ҳолатлар, табиат ходиса-

лари ҳақида кенг маълумот беради.

— Одатда гавжум шахарларда транспорт ва маиший техника воситаларидан табиатга турли зарарли газлар чиқади, — дейди «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази мутахассиси Акбар Эргашев. — Боғу роғлар, ямғир сайилгоҳлар зарарли газларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиради, ўзидан кислотадон ислаб чиқариб, ҳавони тўйинтиради ҳамда инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Энди пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари янги экологик боғда очик ҳавода сайру саёҳат қилиб, оиласи, дўстлари ва яқинлари билан мириқиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Боғдаги дарахлар ва майсазорлар билан ўралган катта майдон юқори ўлчамдаги кулчилик буюмлари билан безатилган. Скейтбордчилар, роллер ва велосипедчилар учун махсус майдон юртимизда ягона ҳисобланади. Бу ерда фанбокс, кватр-пайп, горка ва рейллар каби махсус конструкциялар, кизикари ва гарройб инсталляция-аттракционлар қурилган. Бу ердаги металл трубадан ишланган икки метрлик ўргимчакнинг оёқлари аркон билан тортилган, ўсимликдан бунёд

этилган яшил лабиринт, оддий ўриндиклар ўрнига автомобиль шиналаридан фойдаланилган арчимчоқлар, автомобиль шиналаридан бунёд этилган йўлаклар, сакраш учун турли рангли қоплар болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришларига мўлжалланган.

Тошкент экобоғида ҳайкал-тарошлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра сингари санъатнинг кўплаб йўналишлари бўйича ижодий учрашувлар ва машғулотлар ўтказиш режалаштирилган. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги Болалар ижодиёти марказлари билан ҳамкорликда ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари учун болалар суратлари танловлари, кўргазмалар ва бошқа ижтимоий лойиҳалар ҳам ташкил этилади.

Шунингдек, боғда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан машҳур санъат ва маданият намоёндалари, «Янги авлод» болалар ижодиёт фестивали ғолиблари, «Келажақ овози» танлови лауреатлари иштирокида «Кўчат ўтказ!» акцияси ташкил этилди. Эслатиб ўтамир, экобоғ юртимиз аҳолиси учун 8 апрелдан хизмат кўрсата бошлади.

«Туркистон-пресс»

Соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли ислоҳотлар натижасида қисқа муддат ичда аҳолига бепул тарзда шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатувчи тизим ташкил қилиниб, тегишли кадрлар, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бугунги кунда ушбу тизимнинг барча қатлами аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

БАХТЛИ БОЛАЛИК ВА СОҒЛОМ ҲАЁТ

Жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб номланиши, аҳоли саломатлиги, айниса ёш оилаларнинг ҳаётида муҳим босқич бўлди десак муболага қилмаган бўламиз. Ушбу йилда 23-оилавий поликлиникамиз миқёсида ҳам кенг қамровли ишлар режа асосида амалга оширилмоқда.

Муассасамиз Учтепа тумани бўйича ёш келин-куёвларнинг оила қуришлари олдидаги тиббий кўриқдан ўтишлари масалаларига қатъий ёндашиб иш олиб бормоқда. Шифокорларимиз нафақат уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, балки кейинги ҳаётларида асқотадиган маслаҳатлар ва йўриқларни бериб бориш билан бирга, мунтазам равишда улар учун маҳаллалар ҳамкорлигида турли тадбирларни ташкил қилиб келмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган тиббий муассасаларнинг барчаси халқ саломатлиги йўлида самарали ишларни олиб бормоқда. Поликлиникамиз ҳам барча қулайликларга эга бўлган тиббий муассаса ҳисобланиб, 9 та маҳаллани қамраб олган.

Бунда 4385 та хонадонда 7454 та оила истикомат қилади. 2010 йилда 778 та ёш оила, 2011 йилда 862 та ёш оилалар ҳисобга олиниб, шундан 2010 йилда 3362 нафар, 2011 йилда 3194 нафар ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Кўрик натижаларига кўра, 2010 йилда 440 та ёшларда, 2011 йилда 331 нафарда турли касалликлар борлиги аниқланди. Уларни рўйхатга олиб доимий равишда соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Оила қураётган ёшлар билан «Эркаклар олдидаги масъулият», «Оила саломатлиги», «Бахтли оила бўлиш», «Болажоним полвонжоним» мавзуларида шифокорлар томонидан давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. «Соғлом турмуш асослари» мавзусидаги тадбирлар эса ҳар ойда мунтазам равишда маҳаллалар ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда.

Оила — муқаддас даргоҳ, дейди доноларимиз. Оиланинг бахти, фарзандларимизнинг соғлом бўлишларида тиббий муассасаларнинг, айниса оилавий поликлиника шифокорларининг хизмати ва ўрни беқиёсдир. Эндигина турмуш қурган ёшларнинг соғлом фарзандлар дунёга келтиришларида бугунги кун шифокорининг ўзи ишга масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

Ёш оналарга эътибор, уларнинг соғлиқларини назоратга олиш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, турли юқумли хасталикларнинг олдини олиш мақсадида вақтида эмлаш борасида амалга оширилаётган ишлар негизинда оналик ва болаликнинг бахтли ва фаровон ҳаёти мурасамдир.

Шундай экан, нафақат ёшларимиз, балки, барча фуқароларимиз ўз соғлиқларига жиддий эътибор қаратишлари, вақтида шифокор кўригидан ўтиб, уларнинг кўрсатмаларига амал қилишлари шарт.

Зеро, юрт мустаҳкамлиги эл саломатлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқароларимизнинг сиҳат-саломатлиги мамлакатимизнинг янада ривожланиши, тараққий этиши ва гуллаб-яшнашида муҳим аҳамият касб этади. Обод ва озод юртда эса, соғлом фарзандлар камолга етади.

Мунира ШАҲОБОВА,
23-Оилавий поликлиника бош шифокори

Тадбирлар

БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Бутунжаҳон саломатлик кунига» бағишлаб «Баркамол авлод шаклланишида соғлом турмуш тарзининг аҳамияти» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуний палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари З. Ботирова, Тошкент Тиббиёт академияси «Жамоат саломатлигини сақлаш ва бошқариш» кафедраси доценти Ш. Каримбоев, «Экосан» Халқаро жамоат фонди Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи М. Мирсоҳуровлар «Баркамол авлод шаклланишида соғлом турмуш тарзининг аҳамияти», «Аҳоли саломатлиги ва турмуш тарзи», «Инсон организмига таъсир этувчи экологик омиллар» каби мавзуларда чиқиш қилдилар. Тадбирда саломатликни асраш ва мустаҳкамлаш, бу соҳада тўпланган тажрибаларни айниса ёшлар орасида тарғиб қилиш, ёшларнинг соғлом ва аҳил оила қуришлари, соғлом турмуш тарзининг шаклланишида юксак маъ-

навиятнинг аҳамияти, бу борадаги маънавий-маърифий ишлар, жисмонан бақувват ва маънан баркамол ёш авлоднинг камол топиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ва улардан самарали фойдаланиш масалалари, инсон саломатлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, зарарли одатлар, айниса, экологик омиллар, экология ва саломатлик масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт билан доимий шугулланиш, унга меҳр қўйиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Тингловчи сифатида ташриф буюрган Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари талабалари ўзларини кизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Тошкент Фотосуратлар уйда очилган кўргазма графикчи рассом Ҳусан Содиқовнинг ижодида бағишланди.

Истеъдодли графикчи рассом Ҳусан Содиқов юртимиздаги энг яхши кариكاتуралардан ҳисобланади. У болаларга бағишланган ўндан зиёд адабий ва суратли китобларга безак берган. Мамлакатимизда ва Халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб танловларнинг совриндори.

1993 йилдан бери Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, «Муштум» ҳажвий журналининг бош рассоми. Ижодий ишлари дунёнинг турли давлатлари музейларида жой олган.

Мазкур кўргазмада эса, рассонинг мамлакатимиз ва у тўрт йил ашаган Жанубий Корея ҳаётига оид ранг-баранг манзаралари намойиш қилинмоқда. Бу Ҳ. Содиқовнинг ижодий сафари ҳақида ўзига ва халқимизга хисоботдир. Кўргазмада рассом ижоди-

нинг ўзига хос сифатлари намойиш бўлади. Унинг асарларини томоша

Кўргазмалар

ШАФФОФ РАНГ ЖИЛВАЛАРИ

қилар экансиз, рангларнинг уйғунлиги ва бетакорлиги кишига кўтаринки кайфият бағишлайди.

Атроф-муҳитни ёрқин рангларида тасвирлайди, ҳаётни шундай гўзалликда ва ёруғликда кўришни истайдди. Ҳар бир асари кишилар қалбига қувонч билан бирга, улар руҳиятига тетиклик, бардамлик ва оромбахш этади. Тасвирларда кишининг ҳаётга

бўлган муҳаббати алангланади. Бинобарин, ижодий ишларида аниқлик, мантқиқ, ишонч ва келажакка бўлган дадил ҳаракатларни ҳам илғаш мумкин.

— Ҳаётим давомида нимагаки эришган бўлсам, барчаси захматли меҳнатим натижасидир, — дейди мусаввир

Ҳусан Содиқов биз билан суҳбатда. — Яшашга муҳаббат туйғуси инсон руҳиятида доимо юқори даражада мавжланган турши шарт. Биз шундай жаннатмақом диёрда яшаб турган эканмиз, бу тириклик неъматининг қадри билмоғимиз, Ватанимизга чин кўнглидан хизмат қилишимиз лозим. Ҳар бир яратаётган ижодий ишимизда ҳаётга бўлган шукроналик туйғусини

тасвирлашга интиламан. Гўзалликни, эзгуликни, яхшиликни ўз ижодий ишларимда тасвирлаб намойиш этсам дейман. Дунёмиз тинч, осмонимиз мусаффолигини кўриш ва доимо гўзалликдан баҳра олиб ижод қилишга нима етсин. Агар яратган асарларимдан томошабинлар ўзларига ижобий нарсалар олаётган бўлса, бу ҳам менинг ютуғим, менинг бахтим.

Ҳа, рассомлар томонидан яратилаётган ҳар бир асарнинг ўзи бир дунё. Ҳусан Содиқов асарлари ҳам томошабин юрагига жуда яқин. Турли тасвирлар маъносини томоша қилар экансиз, ҳаётга бўлган муҳаббатингиз ортиб бораверади. Санъатнинг сеҳрли олами ўзига хорлайверади. Бинобарин, ҳар қандай санъат асари кўнгил кўзгусидир. Унда қалб ва иқтидор ҳамкорлигидаги бирликни кўриш мумкин. 17 апрелгача давом этадиган мазкур кўргазма муҳлисларга бирдай манзур бўлишига ишонамиз.

Гулчеҳра ДҮРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади! Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томони-дан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 27 сентябрдаги 10-0720(04)/14225-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1.Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани Тараққиёт кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, «East Productions» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 6247 кв.м бўлган омборхона биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 4 288 702 230 сўм.** 2.Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Тараққиёт кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, «Stone Express» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 1543 кв.м бўлган ишлаб чиқариш биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 041 552 397 сўм.** 3.Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Беш-ёғоч мавзеси 4-уй манзилидаги, «Stone Express» МЧЖга тегишли, умумий майдони 783 кв.м бўлган, 9 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган савдо дўкони қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 1 328 229 943 сўм.** Аукцион савдолари 2012 йил 14 май кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 11 май кuni соат 18:00. Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:201212519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамеш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«KOP Tarmoqli KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Такроран аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар: I.Миробод тумани СИБ томони-дан 18.07.2011 йилдаги № 11980/22-сонли ижро ҳужжати-га асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси 3-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 136 кв.м бўлган 5 хонали кўчмас мулк - нотураб-жой, бошланғич нархи — 210 255 000 сўм. II. Ҳамза тумани СИБ томонидан Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳри судининг 23.08.2010й.даги 1-221/2010-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мунитоз (собиқ Каримов) кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, «ВАЗИР Д» МЧЖ га қарашли, бошланғич нархи - 2 415 883 713 сўм бўлган, умумий майдони 34 577 кв.м, 12га бино, 2 та бинонинг бир қисми ва 6 та иншоотдан иборат қўчмас мулклар (собиқ ТашОП) мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилининг 27 апрель кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «KOP Tarmoqli KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимнинг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

с 14 апреля по 27 мая

ЦАРЬ ПАРОДИИ

ПРОГРАММА РАЗНООБРАЗНАЯ

ПРОГРАММЕ ПРИНИМАЮТ УЧАСТИЕ: ПАРДИСТ, БАЛЕТНАЯ ГРУППА, ГИМНАСТИ, АКРОБАТЫ, ДРЕССУРА - В МИРЕ ЖИВОТНЫХ

Карса: Тел.: 244-35-91, 244-35-94 244-32-23, 244-35-09 www.stk.uz

Ҳамза тумани, «Янги давр» маҳалласи, Мўйнок кўчаси, 173-уйда истикомат қилувчи Абдусаламов Абдуазиз номида бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бир ҳафта давомида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт клубларида «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақасининг 8 — 9-синф ўқувчилари ўртасидаги Тошкент шаҳар финал босқичи ўйинлари бўлиб ўтди.

«Умид ниҳоллари — 2012»

МАЙДОНДА — ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР

Масалан, туман жамоалари иштирок этган футбол бўйича мусобақалар 24-БЎСМ, волейбол (қизлар) «Чилонзор» спорт мажмуаси, қўл тўпи бўйича ўсмирлар ва қизлар баҳслари «Миробод» ва «Кушбеги» спорт мажмуалари, миллий кураш «Олимпия умидлари» спорт мажмуасида қизгин баҳсларга бой тарзда ўтказилди. Яъни, ўсмирлар ва қизлар спортнинг жами 8 тури бўйича ўз куч-маҳоратларини намойён этдилар.

Айниқса, волейбол бўйича қизлар ўртасида уюштирилган мусобақалар шиддатли ва ҳаяжонли курашларга бой тарзда кечди. Бунда кучли жисмоний тайёргарликка эга бўлган Учтепа тумани ёш волейболчилари зафар кучиб, ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. Иккинчи ўрин Миробод, учинчи фахрли ўрин эса Мирзо Улугбек тумани вакилларига насиб этди.

Турнирнинг голиб ва совриндорлари муносиб тақдирланди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Осиё футбол конфедерациясидан олинган маълумотга кўра, ушбу нуфузли турнирда қуръа ташлаш маросими 28 апрелда ўтказилади.

Шуниси эътиборлики, мусобақа Низомига кўра Осиё чемпионлар лигаси турнири финал босқичида саккизта мамлакат чемпионлари иштирок этади. Ўтган йил якунларига кўра дастлабки учта ўринни қўлга киритган Эрон, Япония, Ливан чемпионлари қаторида мезбон Қувайт чемпиони ҳам саралаш ўйинларисиз Осиё чемпионлар лигаси турнири финал босқичи-

Спорт янгиликлари

ҚУРЪА САНАСИ АНИҚ

Мухлисларга маълумки, 1-7 июль кунлари Қувайтда футбол бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси турнири бўлиб ўтади.

га йўлланма олган. Фарбий минтақа саралашда Ўзбекистон ва Қатар чемпионлари голиб бўлишган. Шарқий минтақада эса Вьетнам ва Таиланд чемпионлари ўзларини кўрсатишган.

Дарвоқе, ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини «Ардус» ҳимоя қилади.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЙИҒИНДАН ҚАЙТИШДИ

Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси футбол бўйича уюштирилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этишни ният қилган ўсмирлар терма жамоамиз Туркияда уюштирилган ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этиб Тошкентга қайтиб келишди. Шуниси қувонарлики, ўсмирларимиз машғулотлар билан чекланиб қолмасдан, саккизта назорат-ўртоқлик учрашувида омадларини синаб кўришди. Украина терма жамоасига 0:4 ҳисобида имкониятини бой берган Нуралиев шогирдлари қолган барча беллашувларда галаба қозонишди. Мисол учун

Россиянинг «Зенит» жамоаси уч марта 2:0 ҳисобида мағлуб этилган бўлса, ўсмирларимиз Москвадан «Реутов» командасини 8:1 ҳисобида енгилди.

Энди ўсмирлар терма жамоамиз май ойининг сўнгги кунларида Озарбойжонда ўтказилган «Каспий Кубоги» турнирида иштирок этишади. Жорий йилнинг 21 сентябрь — 6 октябрь кунлари эса ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёғингарчиликлар туфайли замбуруғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпаяди.

Ер юзиде замбуруғларнинг 10 000 дан ортиқ ботаник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбуруғларнинг 300дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан 25 туригина истеъмол қилиш мумкин. Бу истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «кўзиқоринлар» деб атайдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида кўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигина терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли кўзиқоринлар маъданли моддалар, оксил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳудудида ўсадиган кўзиқоринларнинг 275дан зиёд ботаник турлари захарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай кўзиқорин турларини маҳаллий аҳоли захарли ўсимлик деб атайдилар.

Бу турларга мансуб кўзиқоринлар таркибида гелвелли кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа захарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, тар-

кибидаги захарли моддалар йўқолиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни захарланишга

Мутахассис маслаҳати

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИНГ

дучор қилади. Шундай ўткир захарли кўзиқорин турларидан бири «Лепиота» деб аталади. У шахримиз ҳудудидаги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарахтлар теварагида ва бошқа жойларда учраб туради. «Лепиота» барча кўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уни истеъмол қилган киши қаттиқ захарланади.

Республикамизнинг баъзи жамоа хўжаликлари ва ширкатларига махсус иссиқхоналарда истеъмол учун яроқли бўлган «Вешанка» ва «Шампиньон» кўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун рухсат берилган. Бу хўжалик ва ширкатларда етиштирилаётган кўзиқоринлар ва улардан тайёрланган

консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, улар инсон соғлиги учун зарарсиз бўлган тақдирда ҳар бир маҳсулотлар учун гигиеник сертификат берилади. Ана шундай гигиеник сертификатга эга бўлган кўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулотларни савдо шохобчаларидан харид қилишингизни тавсия этамиз.

Захарли кўзиқоринларни билмай истеъмол қилган кишилар орадан 6-12 соат вақт ўтганидан сўнг кўнгли айниб, тез-тез қайт қилади. Ошқозон-ичак фаолияти бузилади, қоринда оғриқ пайдо бўлиб, бутун аъзои бадани бўшашиб кетади.

Кўзиқорин таркибидаги захарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Кўзиқориндан захарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пиёла илқ намақобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, уларнинг олдидан захарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва захарланиш янада оғир кечади. Бу беморларни уй шароитида билар-билмас даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

Эсингизда бўлсин, захарли кўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

Шухрат ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлим мудири

ТУРФА ОЛАМ

• Ҳар йили ўсимликлар атмосферага чиқараётган кислороднинг оғирлиги тахминан 500 миллиард тоннадир.

• Кечалари тўдалашиб озуқа излаб йўлга чиқади-ган «Guachago» номли қушлар полапонларини тўйдир-иш учун 25 километр узоқ-ларга учиб бориб келадилар.

• Уча оладиган энг оғир қуш «Otis tarda» бўлиб, оғир-лиги 21 килограммдир.

• Урғочи анаконда бир мартада 100 та тухум қўяди ва ўзини шу тухумлар усти-да кулча ҳолига келтиради. Бу ҳаракатдан мақсад, ту-хумлар устига соя бериб уларни салқинлатиш, харо-рат тушганида эса вужуди-ни титратиб уларни иситиш-дир.

• «Ruppell» номли калхат тури 11 257 метр баланд-ликда уча олади.

• Жирафалар бир ҳафт-ада ўртача 230 килограмм ўт ейдилар.

• Ниначи ҳеч бир ерга қўнмай тахминан 100 кило-метр узоқликка уча ола-ди. Урчиш даврида эса ботқоқлик устидан 15-35 кило-метр тезлик билан уча олади.

• Ўртача катталиқдаги айсберг (муз тоғ)нинг оғир-лиги 20 миллион тоннадир. **Назокат ЖАЛИЛОВА тайёрлади**



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Бир нарсага банд бўлган бошқа нарсани унутади. ***

Ким кўнгул одами, ким ақл. ***

Йиллар ҳам кимни ўзгартиради, кимни йўқ. ***

Нақд топилади, вақт топилмайди. ***

Ғофилни уйку босади, Оқилни туйғу. ***

Кўп гапириб ҳеч ким обрў олмаган. ***

Замондан орқада қолган замонни айблаб яшайди. ***

Қанча баландга чиқсанг, атроф шунча тиниқ кўринади. ***

Сафар ва суҳбатлар ўзингни чуқур англашнинг ёрдам беради.

Ўзингнинг кўп нарсани билмаслигингни англайсан.

Сафар одамни пиширади. Суҳбат ақлни чархлайди. ***

Ҳар ким ўз ишини қилса, олам ишлари жо-бажо бўлади. ***

Замондан узилиб яшаб бўлмайди. ***

Одатда ҳеч кимга ёрдами тегмай-диганлар ҳаммадан умидвор бўлади-лар. ***

Яхшиликни фақат яхши билади, ёмон яхшиликка ҳам ёмонлик қилади. ***

Қисматга аччиқ қилма. ***

Бу дунёда ҳар ким ўзига керакли нарсани излаб яшайди. ***

Ҳамма ҳам севади, лекин ҳамма ҳам севгиси учун курашмайди. ***

Кўнгулга қонун йўқ. ***

Одам боласи ўзини алдаб яшай-ди-ю, бошқалардан ҳақиқат талаб қилади. ***

Одам ўзини кимга тенг қилишни ҳам билиши керак. ***

Ёлгоннинг жодуси бор. ***

Рашк ўти рашкчининг ўзини куйди-ради. ***

Фикр қанча қисқа бўлса, шунча таъ-сирли бўлади. ***

Дунёда ҳамма нарса тугаса ҳам, сўз тугамайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Узгидромет
Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити иссиқ бўлади.

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълоплар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9701 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Нашр учун масъул Д. Исроилов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ